# Тошкент ҳақиқати

· № 94 (10.671).

1994 йил
14 декабрь
чоршанба

Сотувда эркин нархда.

1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН НАШР ЭТИЛМОҚДА.

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

ЧОРШАНБА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.


## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ



СУРАТДА: қабул чоғида.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ олган сурат. (ЎзА).

**12 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Америка Қўшма Штатларининг Тожикистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси С. Эскудерони унинг илтимосига биноан қабул қилди.**

Суҳбат чоғида Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, Тожикистондаги вазият, Тожикистон-Афғонистон чегарасидаги кескинликни бартараф этиш, жафокаш тожик халқига ривожланган давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг инсонпарварлик ёрдамини уюштириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

Қабул маросимида Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Генри Лии Кларк ҳозир бўлди.

**(ЎзА).**

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ*

### М. А. УСМОНОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик самарали ижодий меҳнати, ўзбек шарқшунослиги фанининг ривожига қўшган салмоқли ҳиссаси ва ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг етакчи илмий ходими, фалсафа фанлари доктори Муталиб Аҳмедович Усмонов Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1994 йил 12 декабрь.

*Ислоҳот одимлари*

## КИЧИК, АММО САМАРАСИ ЮҚОРИ

Бозор иқтисодиёти улкан қурилишлар билан бирга, иқтисодий самараси юқори бўлган кичик корхоналар сафини кенгайтиришни ҳам тақозо этмоқда. Ана шундай корхоналардан бири -- Янгиободдаги «Туркистон» фирмаси иш бошлаганига кўп вақт бўлгани йўқ. Ҳозир бу ерда ўн уч нафар киши меҳнат қилаётир. Улар тайёрлаётган бежирим оёқ кийимлари аллақачон ўз харидорларини топган. Пойабзалчилар Тошкентдаги фабрикалардан бирида иш ўрганиб қайтди. Хомашё эса Қўқон кўн заводидан маҳаллий тери эвазига олиняпти.

Шаҳарда намунали фаолият кўрсатаётган кичик корхоналардан яна бири «Авиэм» дир. Бу ерда республикамизда янги соҳа -- шакар ишлаб чиқарувчи минизавод жиҳозлари тайёрлаш йўлга қўйилган. «Монолит» эса пластмассадан уй-рўзғор буюмлари, болалар ўйинчоқлари ишлаб чиқармоқда. Красногорск қўрғонидаги «Агама -- 110» кичик корхонаси ҳам яқин кунларда иш бошлайди. Маҳаллий хомашёдан кийим-кечак маҳсулотлари тайёрлаш режалаштирилаётган мазкур ишлаб чиқариш иншоотига хориждан 50 та замонавий ускуна келтириб ўрнатилди.

Шаҳарда 70 дан зиёд кичик корхона ва ширкат фаолият кўрсатяпти, йил бошидан буён улар қарийб тўрт миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Муҳими, аҳоли доимий иш билан таъминланмоқда.

**Н. ДУШАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

## ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

### ИШСИЗЛИК МУАММОСИ

ХХР меҳнат вазири Ли Боюннинг баёнот беришича, 1995 йилда мамлакатдаги ишсизлар сони меҳнатга лаёқатли кишиларнинг 3 фоизи даражасида сақлаб қолинади.

Давлат идораларининг сезиларли қисқариши туфайли жорий йилнинг охирида ишсизлар сони 2,8 фоизга етиши мумкин. Натижада 10 миллион ишчи ва хизматчи ўз ишидан маҳрум бўлади. Сўнгги маълумотларга кўра, Хитой шаҳарларида ёлланма ишчилар сони 160 миллион кишига етган. Қишлоқлардаги ортиқча ишчи кучи эса 150 миллион кишини ташкил этмоқда.

### МУЗОКАРАЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Норвегия пойтахти Ослода Фаластин билан Исроил раҳбарлари ўртасида Ўрта Шарқда тинчлик жараёни масалаларига бағишланган музокаралар бўлиб ўтди. Унда Фаластин озодлик ташкилоти (ФОТ) ижроия қўмитаси раиси Ёсир Арафот, Исроил Бош вазири Исҳоқ Рабин ва Исроил ташқи ишлар вазири Шимон Перес иштирок этди. Ҳар икки томон музокаралар натижасидан мамнунлигини билдирди.

Музокаралардан сўнг улар Стокгольмга келди. Бу ерда 1994 йилнинг тинчлик соҳасидаги Нобел мукофоти совриндорларини тақдирлаш маросими бўлди. Маълумки, бу мукофотга ФОТ раҳбари Ёсир Арафот, Исроил ташқи ишлар вазири Шимон Перес сазовор бўлган.

### АНЖУМАН ЎТКАЗИЛАДИ

Синьхуа ахборот маҳкамасининг хабар беришича, 13-15 декабрда Индонезиянинг Бандунг шаҳрида Осиё-Африка мамлакатлари анжумани ўтказилади.

Унда Шарқий Осиё ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари иқтисодиётида қўлланилган тажрибаларни Африка давлатларига татбиқ этиш ҳамда ушбу давлатлар билан ўзаро тажриба алмашиш масалалари муҳокама қилинади.

Анжуманда 55 давлатнинг 100 дан ортиқ вакиллари иштирок этади.

***

МОСКВА. Россия Федерациясининг фавқулодда ҳодисалар бўйича вазирлигининг юк самолёти Моздакка учиб келди. РАТА-ТАСС ахборот маҳкамасининг хабарига кўра, мазкур самолётда Чечен қочоқларига инсонпарварлик ёрдамини кўрсатиш учун озиқ-овқат ва дори-дармонлар келтирилган. Айни пайтда Моздак ва Малгобек районларида қочоқларни дори-дармон ва бошпана билан таъминлаш ишлари олиб борилмоқда.

***

ГРОЗНИЙ. Чечня ҳукумати Владикавказда бўлиб ўтадиган музокараларда қатнашишга қарор қилди, деб хабар берди Жоҳар Дудаевнинг расмий вакили. «Кавказда юз бериши мумкин бўлган фожеали урушнинг олдини олишга яна бир бор уриниб кўрамиз», деди у.

Россия Федерациясининг Шимолий Кавказдаги вақтли ахборот маркази хабарига кўра, яқин кунларда Владикавказда Россия ҳукуматининг ишчи комиссияси ва Чечнядаги мухолиф кучлар иштирокида музокаралар бошланади. Унда Шимолий Осетия Республикаси Президенти Ахсарбек Галазов ҳам иштирок этади.

***

САНКТ-ПЕТЕРБУРГ. Шаҳардаги давлат кутубхонасидан қадимий Хитой, Мўғул, Тибет ва Яқин Шарқ фалсафасига оид асарлар ўғирлаб кетилди. Ушбу қўлёзмаларни 1842 йилда Россиянинг Пекиндаги диний вакили, руҳоний Иоакинф Бичурин келтирган эди.

Шаҳар ички ишлар бошқармаси ходимларининг ҳисоблашича, ўғирланган асарларнинг баҳоси 100 миллион АҚШ долларидан ошиқдир.

***

КИШИНЕВ. Болгария Президенти Желю Желевнинг Молдовага расмий сафари ниҳоясига етди. У Молдова раҳбари Мирча Снегур, парламент раиси Петр Лучинский ва жамоатчилик вакиллари билан учрашди. Сафар чоғида икки давлат ўртасидаги иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга оид бир қанча ҳужжатлар имзоланди.

**(ЎзА)**

## ВИЛОЯТ ЯНГИЛИКЛАРИ

### ТЕГИРМОН ИШГА ТУШДИ

ПАРКЕНТ. «Бўстон» жамоа хўжалигининг «Қирғизовул» қишлоғида электр қуввати билан ишлайдиган янги тегирмон ишга тушди. Донни қайта ишловчи мазкур тегирмонни қишлоқ аҳли ҳамда хўжалик аҳли хашар йўли билан бунёд этишди. Унинг тезда битказилиб фойдаланишга топширилишида қишлоқ оқсоқоли Қолди Умаров бош бўлган бўлса, жамоа хўжалиги зарур бўлган қурилиш материаллари билан таъминлади. Бир жуфт электр двигателни қишлоқ аҳли биргаликда нақд пулга сотиб олишди.

Тегирмонни юргазиш ҳамқишлоқларига намунали хизмат кўрсатиш, иншоотни битказишда фаоллик кўрсатган Ҳасан Сатторқуловга топширилди. Хашар элга ярашар, деганларидек қаердаки бўстонликлар каби аҳиллик ва уюшқоқлик билан ҳаракат қилинса, ўша ерда барака бўлиши шубҳасиздир.

### «АЛ-АББОС» ГИЛАМЛАРИ

ТОШКЕНТ. Хонадонларга кўрк бериб, чўғдек ёниб турган нафис гулли гиламларни кўрган киши беихтиёр «Буни қайси қўли гул чевар тўқиди экан», -- деб ўйлайди, албатта. Илгарилари бундай гилам тўқиш, унга чиройли гуллар тушириш жуда мураккаб ишдек туюлар эди. Эндиликда эса бир қатор туманларда, хўжаликларда гилам тўқиш цехлари бор. Улар аҳолига халқ истеъмоли моллари етказиб бериш, қишлоққа фойдали соҳани олиб кириб, айниқса, хотин-қизларимизни иш билан таъминлашда муносиб улуш қўшмоқдалар. Абдураҳмонов жамоа хўжалиги ҳудудидаги «Ал-Аббос» фирмасининг гиламчилик бўлими ана шу мақсадда ташкил этилганига икки йил бўлди.

Бу ерга жалб этилган қизларнинг ғайрати, қизиқишлари туфайли ишларимиз тезда юришиб кетди, -- дейди гиламчилик бўлими бошлиги Обид Нуриддинов. -- Дастлаб биз арзон ҳамда харидоргир бўлган сунъий гиламлар тўқидик. Чунки сунъий гиламлар учун кимёвий толаларнинг чиқиндиси ишлатилади. У тўрт-беш иш жараёнида тайёр бўлади. Нархи ҳам унчалик қиммат эмас. Маҳсулотларимиз туманимиздаги «Гулноз» дўконининг «Ёш оила» бўлимида ҳамда шаҳардаги «Омад» дўконларида нақд пулга тезда сотилиб кетди. Моддий манфаатдорлик кўрган ишчиларимиз яна ғайрат билан ишга киришиб кетдилар. Лекин баъзи бир зарур хом ашёларнинг етишмаслиги сабабли бизда гилам ишлаб чиқаришга имкон бўлмай қолди. Лекин замон у йўқ, бу йўқ деб ўтиришни кўтармайди. Ғазалкентдаги «Бунёд» гиламчилик бўлимидан табиий гилам тўқийдиган дастгоҳ олиб келдик.

Айни кунларда Ғазалкентдаги ҳамкасбларидан иш ўрганиб келган қизлар кичик-кичик жойномозлар, гиламчалар тўқишни ўзлаштириб олдилар. «Ал-Аббос» гиламчиларининг режалари катта. Улар тез орада харидоргир табиий гиламларни кўплаб тайёрлайдилар.

**М. МУСАБЕКОВА**

### УЙ БЕКАЛАРИ ХУРСАНД

ЧИНОЗ. Туманда кейинги йилларда табиий газ билан таъминлашда муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда чинозликларнинг 90 фоизи хонадонида «зангори олов» ёнмоқда. Республикамиз Президентининг аҳолини табиий газ билан таъминлаш ҳақида чиқарган фармонига қадар туман аҳолисининг атиги 18 фоизи табиий газ билан таъминлаганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, қисқа муддатда бу борада катта ишлар амалга оширилганлигини пайқаш осон.

Яқиндагина тумандаги Охунбобоев номли жамоа хўжалиги ҳудудидаги газ тақсимлаш станциясини кенгайтириш, қайта қуриш ишлари ниҳоясига етди. Чиноз туманини газ билан таъминлаш қуввати тўрт баробарга ошади. Бу ерда амалга оширилган ишлар учун 3 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди.

-- Энди аҳолига қиш чилласида ҳам газ етарли босимда етказиб берилади, -- дейди «Чинозгаз» идорасининг бошлиги Нусратулла Исматуллаев.

**Х. ШЕРОВА.**

### ҲАММАГА ТАВСИЯ ЭТИЛДИ

ПИСКЕНТ. Туман газетасида кейинги пайтларда чоп этилаётган ўқимишли, ранг-баранг мавзудаги материаллар ўқувчиларга манзур бўлмоқда. Яқинда унинг саҳифаларида эълон қилинган «Никоҳдан ўтиш дабдабаси керакми?» сарлавҳали мақола юзасидан муштарийлардан кўплаб турли мулоҳазалар, таклиф ва истаклар билдирилган хат-хабарлар келди. Мақолада бугунги кунда ота-оналар, кексалар, кўпчиликни ташвишга солаётган никоҳ рўйхатидан кейин ўтказиладиган ортиқча дахмазали маросимларни ихчамлаштириш масаласи кўтарилди. Унинг кўпчилик ўртасида катта мунозарага сабаб бўлаётганлигини ҳисобга олиб туман ҳокимлигида муҳокама йиғини ўтказилди. Унда газета таҳририяти ходимлари, маҳаллалардан келган ота-оналар, фаоллар, кўпни кўрган тажрибали кексалар иштирок этдилар.

Сўзга чиққан «Бекобод» маҳалла қўмитаси раиси Т. Хонхўжаев, «Майлиобод» маҳалла қўмитаси раиси И. Иброҳимов, Ҳамза номли маҳалла қўмитаси раиси Н. Қосимов ва бошқалар газета фикрини қўллаб-қувватладилар.

Йиғилишни якунлаган шаҳар ҳокими А. Аҳмедов бундай маросимларни ихчамлаштирилган ҳолда ўтказиш зарурлиги, бунга амал қилмаган фуқароларга эса чора кўрилишини билдирди.

**А. РАИМОВ.**

*• Фармон ва ижро*

## ЕР ТОПТАГАН - РИЗҚ ТОПТАР

КУНИ кеча хизмат юзасидан Қибрай туманида бўлганимда «Қизил шалола» хўжалигининг раҳбари Мирзамашраб Куччиевни учратиб қолдим. Мазкур хўжалик асосан чорвачиликка ихтисослашганлигини яхши биламиз. Бу ерда чорвачиликни юритишга оид барча ишлар илмий асосда, шу минтақадаги чорвачилик илмий-тадқиқот институти ходимларининг кўмагида олиб борилади. Шунинг учун ҳам кейинги бир-икки йил ичида маҳсулот етиштиришни кўпайтириш, моллар наслини яхшилаш, озуқасини мустаҳкамлаш юзасидан бир қатор ишлар олиб борилди.

Хўжалик, шунингдек, озроқ майдонда сабзавот экинлари ҳам етиштиради. Ем-хашак, озуқа экинларининг янги навларини синаб кўриш, ишлаб чиқаришга жорий этиш, ҳосилдорлигини ошириш, сара уруғлар олиш мақсадида ҳам анчагина майдонларга экин экилади. Ўтган йили буғдойнинг янги навидан 50 центнердан ҳосил олинди.

Бундан уч-тўрт ой илгари хўжаликда бўлганимда Куччиев билан дала айлангандим. Ўшанда Куччиев йўлда кетаётиб, экин майдонларига моллар тушиб, пайҳон қилаётганлигини кўриб жиғи бийрон бўлганди. Зудлик билан бригадирни излаб топди.

-- Ҳозироқ ўша жойга боринг, -- деб топшириқ берди, -- молларни даладан ҳайдаб чиқаринг, бу моллар кимга тегишли эканлигини аниқлаш керак. Ҳозирча уларни қамаб қўйинг...

Мен ўшандаги воқеани эсга солдим.

-- Президентимизнинг экинларни пайҳон қилганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисидаги Фармони жуда кўнгилдаги иш бўлди-да, -- деди директор. -- Биз шундай фармон бўлишини кўпдан буён кутиб юрган эдик. Тўғри, экиннинг пайҳон қилинишига қарши курашни биз эртароқ бошлаганмиз. Биринчи марта бундай ножўя ишга йўл қўйган хонадон эгасига 100 сўм, яна қайтарса 300 сўм, учинчи бор қайтарса 500 сўм жарима солинарди. Бироқ бундан ортиқ жазо бера олмасдик. Шовқин-сурон билан иш битмайди. Мана энди ҳаддидан ошганларни, ҳатто, жиноий жавобгарликка ҳам тортиш мумкин.

Бу фармон жуда кўпчиликка маъқул бўлди. Хўжаликда фармонни ишлаб чиқиш ва муҳокама қилишга, тадбирлар белгилашга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда одамлар шундай фикр билдиришди: ҳукуматимизга минг раҳмат, қатор фармонлари ва қарорлари билан шахсий чорва боқувчиларга кенг йўл очиб берди. Кўлингдан келадими, қурбинг етадими, меҳринг, ихлосинг борми, марҳамат, қўй боқасанми, сигир боқасанми, паррандачилик билан шуғулланасанми, эплasang, уддасидан чиқсанг, ҳеч қандай монелик, тўсқинлик қилинмайди. Элда бўлса, элга нафи тегади-ку, ахир.

Нафсиламбирини айтганда бу тадбир келажакни кўзлаб, эртани ўйлаб қилинган иш эди. Мана, ҳозирги қийин бозор иқтисодиёти шароитида чорва боққанлар, мол ушлаганлар унчалик қийналишмаяпти. Кунларига яраяпти. Ҳатто, эҳтиёждан ортиқча гўшт, сутни сотиб, озмикўпми маблағ тўплаб, орзу-ҳавасларига яратишяпти.

Лекин, одамлар, қўполроқ қилиб айтадиган бўлсак, баъзи ноинсофлар ҳукуматимизнинг бу марҳаматини суиистеъмол қиладилар, ўзларини билиб билмаганликка олиб молларини экинзорларга, боғ-роғларга ҳайдаб боқадилар. Ахир, бу худбинлик эмасми? Бу ўзининг ҳузур-ҳаловатини ўйлаб, бошқаларнинг меҳнатини менсимаслик, оёқости қилишдан бошқа нарса эмаску?!

Ҳайрон қоласан, киши. Ҳукуматимизнинг қарорлари билан қишлоқда яшовчиларга ер участкалари, экин-тикин қилиб олиш учун қўшимча ерлар ҳам берилди. Энг кам деганда битта хонадон 8 сотих ерга, айримлари эса 25 сотих ерга эга. Ана шу ердан оқилона фойдаланиб, шу ер ҳисобига чорвасини ҳам боқса бўлади-ку! Минг афсус,баъзилар ана шу ерга қарамайдилар ҳам, экин экмайдилар ҳам. Ер умрини бекор ўтказадилар, ундан яхши фойдаланмайдилар. Лекин, чорваларини жамоат ерларида боқмоқчи бўладилар. Бели оғримаганнинг нон ейишини кўр, деб шуни айтадилар-да. Бу инсофсизлик эмасми?

...Одамларнинг дилларидаги гаплари, ҳасратлари йиғилиб қолган экан ўша куни тўкиб солишди. Экинларни пайҳон қилинишига қарши амалий кураш олиб борилишини таъминлаш учун махсус текширув гуруҳи ҳам тузилди. Бу гуруҳга хўжаликнинг бош агрономи Жаҳон Қодиралиев бошлиқ қилиб тайинланди. Хўжалик юристи истеъфодаги майор Иззатилла Абдулматов унга ўринбосар қилиб тайинланди.

Гуруҳ таркибига далачилик бригадаларининг бошлиқлари, қоровуллар киритилди. Улар ўша мажлисда ишни қай тартибда ташкил этиш, қайси ҳудудларда текширувни кўпроқ йўлга қўйиш ҳақида келишиб олдилар. Ахир синчковлик ва жонбозлик билан ишламаса бўлмайди бундан буён. Ўзингиз ўйлаб қаранг-а, хўжаликда 2 минг бош мол бўлса, аҳолининг қўлида 4 минг бош мол бор экан. Уларни боқишнинг ўзи бўлмайди. Шунинг учун ҳам текширув амалий ва холис бўлиши керак.

Гуруҳ иш бошлаб юборди. Унинг аъзолари ҳар куни одатда далама-дала айланиб юрадилар,

-- Бебошвоқ қўйиб юборилган молларни ушлаб қамаб қўйиш учун махсус жойлар қилиб қўйдик, -- дейди хўжалик раҳбари.

Моллар ушлаб келингач, жарима хати ёзилади. Бу ҳақдаги ҳужжат қўлларга берилади. Қаттиқ огоҳлантирилади. Лекин, халқ орасида юриб, хонадонларга кириб, фармоннинг ҳар бир банди моҳиятини сингдириш, халқнинг онгига етказиш ғоят муҳимдир. Бу ишни ҳуқуқшунос, гуруҳ бошлиғининг ўринбосари Иззатилла ака яхши бажаряпти.

... Тонг отди. Одатдагидек гуруҳ аъзолари бир жойга йиғилиб, ўзаро маслаҳатлашиб, тарқалдилар.

Ҳозир далаларни айлансангиз, ғалла майсалари барқ уриб ўсаётганлигини кўриб баҳри-дилингиз очилади. Ўтган йили экиб қўйилган мевали дарахт кўчатлари ўзини тутиб, бўй чўзиб қолди. Ҳадемай, ҳосилга киради. Лекин, бунинг учун уларга завол етмаслиги, ғалла майсалари пайҳон қилинмаслиги керак. Инсоф берсин сизга, одамлар... Чорвангизни боқинг, кўпайтиринг, ўз имкониятларингизни тўла ишга солинг. Лекин, асло эл мулкига зарар етказманг. Агар зиён етказадиган бўлсангиз, ўзингиздан кўринг, ўзингиздан ўпкаланг!...

**Н. РИХСИЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.**


ОБУНА-95

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»ГА ЁЗИЛДИНГИЗМИ?

*Барча алоқа бўлимларида «Тошкент ҳақиқати» газетасига чекланмаган миқдорда обуна қабул қилинмоқда.*

*Обуна баҳоси:*

БИР ЙИЛГА -- 264 СЎМ
ЯРИМ ЙИЛГА -- 132 СЎМ
УЧ ОЙГА -- 66 СЎМ

*КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР, МУАССАСАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА:*

Энг арзон идоравий нашр -- «Тошкент ҳақиқати»дир. Корхоналар, ташкилотлар, муассасалар учун ҳам обуна баҳоси юқоридаги нархдадир.

Обуна мавсумида фаоллик кўрсатаётган ташкилотчилар, алоқа бўлимлари, обуна қилиш пунктлари ходимлари ҳамда алоҳида фуқаролар эсдалик совғалари билан мукофотланадилар. Совғалар обуна мавсуми ниҳоясига етгач, ғолибларга топширилади.

*«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» нашр кўрсаткичи -- 64672.*
*ҚАДРДОН ГАЗЕТАНГИЗГА ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ!*

1994 йил 25 декабрь - Сайловлар куни

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛИГИГА

## Тошпўлат АНОРБОЕВ

151-Бинокор сайлов округи



Тошпулат АНОРБОЕВ 1950 йилда Ангрен шаҳрида туғилган. Узбек. Узбекистон Халқ демократик партиясининг аъзоси. Тошкент политехника институтини битирган. Ихтисоси -- муҳандис-энергетик.

Меҳнат фаолиятини 1972 йилда Ангрен Давлат назоратидаги электр станциясида оддий монтёрликдан бошлаган. Сунг шу корхонада смена бошлиги, бош муҳандис вазифаларида ишлаган. 1968-1969 йилларда Янги Ангрен гидроэлектростанциясида бош муҳандис вазифасида ишлади. Маълум вақт республика Энергетика вазирлигида бош муҳандис муовини, бошқарма бошлиғи лавозимларида ҳам меҳнат қилди. 1993 йилда Янги Ангрен Давлат назоратидаги электр станциясининг бош директори этиб тайинланган.

Т. Анорбоев бу вазифада узининг малакали мутахассис ва қобилиятли раҳбар эканлигини намоён қилди. Тез орада жамоада ва шаҳар аҳолиси уртасида катта ҳурмат қозонди.

1993 йилнинг охирида Ангрен шаҳар ҳокими этиб тайинланган. Ҳоким сифатида Ангрен шаҳар меҳнат жамоалари фаолиятини яхшилаш, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш масалаларига эътибор бермоқда, шаҳарда йиғилиб қолган муаммоларни ҳал этишга уз куч-ғайратини сарфламоқда. Хусусан, иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилишига бош-қош бўлиб уз ташаббуси билан талай хайрли ишларни амалга оширмоқда.

Т. Анорбоев шаҳар аҳолисини табиий газ, ичимлик сув билан таъминлашда, кучаларни ёритиш ва асфальтлашда ҳам алоҳида жонбозлик курсатмоқда. Бундан буён ҳам Президентимиз фармонларининг бажарилишини таъминлашда, иқтисодий ислоҳотлар самарадорлигини оширишда узининг куч-ғайратини аямайди.

## Георгий Ходзимурзаевич СИДАКОВ

152-Кончи сайлов округи



Георгий Ходзимурзаевич СИДАКОВ 1927 йилда Шимолий Осетиянинг Гизельдон туманидаги Янги Саниба қишлоғида туғилган. Осетин. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг аъзоси. 1967 йилда Тошкент политехника институтини имтиёзли диплом билан битирган. Ихтисоси тоғ-кон муҳандиси.

Меҳнат фаолиятини 1948 йилда Тожикистон Жумҳурияти Ленинобод вилоятининг Ашт туманидаги конда смена бошлиги вазифасида бошлаган. Ишчан мутахассис тез орада ўз ҳамкасблари ўртасида ҳурмат қозониб, участка бошлиғи вазифасига муносиб топилди. 1957-1989 йилларда шу корхонанинг бош муҳандиси, Янгиободдаги 2-кон бошқармасининг бошлиги вазифаларида ишлаган. 1989 йилдан бери Янгиободдаги «Шарқ» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори вазифасида ишлаб келмоқда.

Г.Х.Сидаков ўзининг меҳнатсеварлиги, талабчанлиги, тадбиркорлиги ва ишбилармонлиги билан бошқалардан ажралиб туради, жамоат ишларида фаол иштирок этади. Кўпчиликнинг ҳурмат ва эътиборини қозонганлиги туфайли Узбекистон Республикаси халқ депутатлигига сайланган. Ўзи раҳбарлик қилаётган корхона ишчи-хизматчиларининг ҳамда унга юксак ишонч билдирган сайловчиларнинг ишончларини оқлаш, яшаш шароитларини яхшилаш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида алоҳида фаоллик кўрсатиб келмоқда.

«Октябрь Революцияси» ва икки марта «Меҳнат Қизил Байроқ» орденлари билан тақдирланган.

## Александр Қосимович ФАРМОНОВ

153-Бекобод сайлов округи



Александр Қосимович ФАРМОНОВ 1958 йилда тугилган. Ўзбек. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг аъзоси. Олий маълумотли.

Ихтисоси муҳандис қурувчи.

Меҳнат фаолиятини 1975 йилда «Водоканал» ишлаб чиқариш бошқармасида ишчи сифатида бошлаган. Меҳнатга чанқоқлик, ўз вазифасига масъулиятни тўла ҳис этиб муносабатда бўлиш каби фазилатлари туфайли орадан кўп ўтмай уста этиб тайинланди. Кейинчалик Узбекистон металлургия заводининг капитал қурилиш бошқармасида катта муҳандис. 1981 йилдан эса Бекобод цемент комбинатида қурилиш-таъмирлаш цехининг бошлиғи, қувур-шифер цехининг бошлиги вазифаларида ишлаган. 1985 йилдан Бекобод цемент комбинатининг директори вазифасида ишлаб келмоқда.

А.Фармонов ўзининг меҳнати давомида ишбилармон ва моҳир ташкилотчи сифатида танилди. Комбинат директори этиб тайинланганидан кейин цемент саноатининг бу йирик корхонасида муҳим техникавий ўзгаришлар юз берди. Ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, маҳсулот сифатини яхшилашга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилди. Шу туфайли ҳам комбинат ҳозирги мураккаб иқтисодий шароитда тула қувват билан ишламоқда. Айни вақтда корхона ишчи ва хизматчиларини ижтимоий муҳофаза қилишга ҳам катта эътибор берилмоқда. Натижада цементчиларнинг меҳнат, турмуш шароитлари яхшиланиб бормоқда.

А. Фармонов Ўзбекистон Республикаси халқ депутати деган юксак номни ҳам оқлаб келмоқда. Халқ депутати сифатида қатор муҳим тадбирларни амалга оширишда ташаббускорлик кўрсатди ва бу борада Бекобод шаҳри аҳолисининг ҳурматига сазовор бўлди.

## Виталий Николаевич СИГЕДИН

154-Олмалиқ сайлов округи



Виталий Николаевич СИГЕДИН 1937 йилда туғилган. Рус. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг аъзоси. 1957 йилда Томск политехника институтини битирган. Ихтисоси -- муҳандис-кон қурувчи.

Меҳнат фаолиятини Навоий вилоятининг Учқудуқ шаҳарчасида ер ости кон қазувчиси сифатида бошлади. Кейинчалик шу ерда кон устасининг ўринбосари, кон бошлиғи вазифаларида ишлаган. 1963-1983 йилларда Учқудуқ майдончасида партия қумитасининг котиби, 20 корхона директори вазифасини бажарувчи, Ўзбекистон Компартияси Навоий шаҳар қўмитасининг биринчи котиби, «Шахтақурилиш» бошқармаси бошлиғи, Ўзбекистон Республикаси Зарафшон шаҳар қўмитасининг биринчи котиби, Навоий кон комбинати марказий кон бошқармасининг бошлиги лавозимларида ишлаган. 1983 йилдан бери Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг бош директори лавозимида фаолият кўрсатмоқда.

В.Н.Сигедин қайси лавозимда ишлашдан қатъий назар узига ва бошқаларга нисбатан талабчан, ишбилармон, тадбиркор, моҳир раҳбар эканлигини кўрсатди. У Ўзбекистон Республикаси халқ депутати сифатида ҳам уз бурчини сидқидилдан бажариб, сайловчиларнинг ишончини оқлади.

В. Н. Сигединнинг республикамиз иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш, кончилик саноатини ривожлантиришдаги катта хизматлари ҳукуматимиз томонидан юксак баҳоланган. У мустақил республикамизнинг «Дўстлик» орденига сазовор бўлган.

## Мирзамурод Бердимуродович ИКРОМОВ

155-Пискент сайлов округи



Мирзамурод Бердимуродович ИКРОМОВ 1949 йилда Тошкент вилоятининг Ўртачирчиқ туманида тугилган. Узбек. Узбекистон Халқ демократик партиясининг аъзоси. Олий маълумотли. Ихтисоси -олим-агроном. Қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди.

Меҳнат фаолиятини 1966 йилда Олмалиқ шаҳрида электрчиликдан бошлаган. 1967-1974 йилларда Уртачирчиқ туманидаги Киров номли ўқув-тажриба хўжалигида клуб мудири, комсомол қўмитаси котиби, агроном бўлиб ишлаган. 1975 йилдан 1992 йилгача Уртачирчиқ туман комсомол қўмитаси ташкилий бўлими мудирлигидан туман партия қўмитасининг биринчи котиблигигача бўлган йўлни босиб ўтди. 1992 йилда Уртачирчиқ тумани ҳокими, 1993 йилда Тошкент вилояти ҳокими этиб тайинланган.

М.Б.Икромов қаерда ишламасин узини фақат ижобий томонидан кўрсатди. Фаол, ташаббускор, принципиал ходим ва раҳбар сифатида танилди. Уз зиммасига юклатилган вазифаларни ҳамиша виждонан ва сидқидилдан бажариб келди. Тошкент вилоятига ҳоким этиб тайинланганидан бери вилоятда иқтисодий ва маданий ислоҳотларни амалга ошириш яна ҳам тезлашди. Жойларда меҳнатга муносабат тубдан узгара бошлади, тартиб-интизомни мустаҳкамлаш, аҳолининг турмуш маданиятини ошириш чоралари кўрилди. Пахтачилик билан бир қаторда чорвачилик ва ғаллачиликни ривожлантириш имкониятлари топилди. Иқтисодий алоқаларни тиклаш ва мустаҳкамлаш, зарар кўриб ишлайдиган корхона ва хужаликларни мулкчиликнинг бошқа шаклларига ўтказиш юзасидан кенг кўламли дастур амалга оширила бошлади. Республика Президентининг ижтимоий ҳаётни соғломлаштиришга қаратилган фармонлари ва ҳукумат қарорларини амалга ошириш устидан назорат кучайди.

М.Б.Икромов фаол жамоатчи сифатида ҳам вилоят меҳнаткашлари ҳурмат эътиборини қозонган. Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг депутати сифатида кўпгина ижтимоий масалаларни ҳал этишга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

## Улуғбек Маҳаматович ИБРОҲИМОВ

156-Оҳангарон сайлов округи



Улугбек Маҳаматович ИБРОҲИМОВ 1957 йилда туғилган. Ўзбек. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг аъзоси. 1979 йили Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институтини битирган. Ихтисоси-муҳандис-механик.

Меҳнат фаолиятини 1979 йилда Оҳангарон туманидаги қишлоқ хўжалиги техникаси корхонасида катта муҳандисликдан бошлаган. Ўзининг ташкилотчилиги, ташаббускорлиги, ҳар бир ишга масъулият билан ёндошиши туфайли эътиборга тушди ва кўп ўтмай шу корхонага бошлиқ этиб тайинланди. 1986-1993 йилларда Оҳангарон тумани партия қўмитаси қишлоқ хўжалик бўлимининг мудири, «Оҳангарон» давлат хўжалигининг директори, Тошкент вилоят агросаноат уюшмасининг раиси лавозимларида ишлаган. 1993 йилнинг май ойидан бери Оҳангарон туманининг ҳокими.

У. Иброҳимов одамлар билан ишлай оладиган, кўпчиликнинг фикрига таянадиган, ўз ғояларини оммага етказа биладиган сиёсий етук раҳбарлардан биридир. Зарур пайтда аниқ ва қатъий қарорлар қабул қила олади. Узига ва қўл остидагиларга нисбатан талабчан. Янгиликларга интилувчанлиги билан бошқалардан ажралиб туради. Унинг бу ҳислати ҳукуматимиз томонидан қабул қилинаётган муҳим қарорларнинг туманда бажарилишида қўл келаяпти. Бу ерда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган кичик корхоналар, маданий-маиший шахобчалар фаолияти тобора кенгайиб бормоқда.

## Ваҳобжон ХАЛИЛОВ

157-Ангор сайлов округи



Ваҳобжон ХАЛИЛОВ 1941 йилда туғилган. Ўзбек. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг аъзоси. Олий маълумотли. Ихтисоси — муҳандис-қурувчи.

Меҳнат фаолиятини муҳандисликдан бошлаган. Қисқа муддат ичида ўзининг моҳир ташкилотчи, ташабусскор муҳандис эканлигини намоён этган. Шу боис унга масъулиятли вазифалар юкланган. У қатор ташкилотларга раҳбарлик қилган. Жумладан, 1977-1987 йилларда Сув-саноат ишлаб чиқариш бирлашмасида бош муҳандис, бош директор муовини, бош директор лавозимларида ишлаган. 1987 йилда Ўзбекистон Республикаси Сув қурилиш давлат қўмитасининг қайта тузилиши муносабати билан ташкил қилинган бирлашма таркибидаги Тошкент темир-бетон буюмлари заводига директор этиб тайинланган.

В. Халилов ишчи ва хизматчиларга ғамхўр, айни пайтда талабчан раҳбар сифатида танилган. У раҳбарлик қилаётган корхонада ишлаб чиқариш қувватлари муттасил ошиб бормоқда. Халқ хўжалиги учун зарур бўлган темир-бетон буюмларининг сифати яхшиланмоқда. Ўз навбатида ишловчиларнинг моддий манфаатдорлиги ошмоқда. Хусусан, унинг раҳбарлигида корхона қошида мева-сабзавот қуритиш цехи, шлакли ғишт ва бошқа халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган цехлар қурилиб фойдаланишга топширилди.

В. Халилов камтар, маънавий етук инсон. У ўз билим ва тажрибаларини ёш мутахассислар билан доимо ўртоқлашади. У республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшаётган, ислоҳотларни амалга ошириш борасида жонбозлик кўрсатаётган кишилардан биридир.

## Турғунбой Қўчқорович МАДИЁРОВ

158-Ўртачирчиқ сайлов округи



Турғунбой Қўчқорович Мадиёров 1942 йилда Тошкент вилоятининг Ўртачирчиқ туманида туғилган. Узбек. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг аъзоси. Олий маълумотли.

Ким Пен Хва номидаги халқ корпорацияси президенти. Турғунбой Қўчқорович Мадиёров Уртачирчиқ туманидаги Ким Пен Хва номидаги жамоа хўжалигида меҳнат қилган даврида хужалик ишлаб чиқаришининг етук ташкилотчиси ва ислоҳотчиси, юксак инсоний фазилатлар эгаси сифатида узини намоён этди. Унинг қишлоқ хужалигида янгича услубларни қўллашга доир яратган модули бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида деҳқончилик саноати ишлаб чиқаришини юқори босқичга кўтариш, ислоҳотларни янада чуқурлаштириш талабларига жавоб беради.

Т. Мадиёров 1992 йилда Ўзбекистон Республикаси Муҳандислик академиясининг академик маслаҳатчиси этиб тайинланган. 1993 йилда эса унга профессор илмий даражаси берилган. У ҳозир академикдир.

Т. Мадиёров етакчилигида корпорацияда пахта хом ашёсини тўлиқ қайта ишлаш корхоналари бунёд этилди. Корпорация таркибида кичик корхоналар ва фирма фаолият кўрсатмоқда.

Т. Мадиёров ўз соҳасининг билимдони, меҳнатсевар, ташаббускор инсон бўлиб, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида, жумладан қишлоқ хужалигида ислоҳотларни амалга оширишда фаоллик кўрсатмоқда.

## Сергей Иванович ЗИНИН

159-Кимёгар сайлов округи



Сергей Иванович ЗИНИН 1935 йилда туғилган. Рус. Партиясиз. 1962 йилда Тошкент Давлат дорилфунунини битирган. Ихтисоси -- филолог-олим. Филология фанлари номзоди, доцент.

Меҳнат фаолиятини 1962 йилда Тошкент Давлат дорилфунунида ўқитувчиликдан бошлаган. У дастлабки кунларданоқ ёш мутахассисларни тарбиялашда ўзининг билим ва малакаларини аямади, жамоа орасида тезда обрў-эътибор қозонди. Унинг зиммасига янада масъулиятли вазифалар юкланди. Дастлаб катта ўқитувчи, доцент, кафедра мудири лавозимларида самарали меҳнат қилди. 1986-1990 йилларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тил ва адабиёт институтининг рус тили бўлимида мудир бўлиб ишлаган. У шу вақт мобайнида илмий изланишда бўлди. Айни пайтда у қатор илмий ишлар, қўлланма ва китоблар муаллифидир.

С.И.Зинин Ўзбекистон Республикаси халқ депутати бўлиб, Олий Кенгаш Маданият ва маданий меросни асраш масалалари қўмитасининг масъул ташкилотчиси сифатида фаол иш олиб бормоқда. Республиканинг қатор қонун лойиҳаларини тайёрлашда меҳнати сингган.

С.И.Зинин республика рус маданий марказининг раиси, давлат тили ҳақидаги қонунни амалга ошириш комиссиясининг аъзоси, Сергей Есенин музейи кенгашининг раиси сифатида ҳам фаол иш олиб бормоқда.

У кўп йиллик самарали меҳнат, фан ва маданиятни ривожлантиришдаги хизматлари учун республикамизнинг «Шуҳрат» медалига сазовор бўлган.

## Ренад Қодирович САРИМСОҚОВ

160-Машинасоз сайлов округи



Ренад Қодирович САРИМСОҚОВ 1937 йилда тугилган. Ўзбек. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг аъзоси. Олий маълумотли.

Меҳнат фаолиятини 1960 йили Чирчиқ трансформатор заводида техник конструкторликдан бошлаган. Ўзининг ишчанлиги, янгиликка интилиши туфайли тез орада муҳандис-конструктор, бош конструктор муовини, Бутуниттифоқ трансформаторсозлик интитутининг трансформатор бўлими бошлиги этиб тайинланган. 1971 йилда Чирчиқ трансформатор заводининг бош муҳандиси, сўнг завод директори этиб тайинланган ва ҳозирги кунга қадар шу лавозимда муваффақиятли ишлаб келмоқда. Бозор иқтисодига ўтиш даврининг мураккаб шароитларида ҳам корхонанинг бир маромда ишлашини таъминлашга эришмоқда. Трансформаторларнинг даврнинг юксак талабларига жавоб берадиган, халқаро бозорда бемалол рақобатлаша оладиган унумли ва сифатли турларини тайёрлашни ўзлаштириш ишига салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Р. Қ. Саримсоқов қайси лавозимда ишламасин, ўз зиммасидаги вазифаларни сидқидилдан бажаради, айни вақтда жамоат ишларида фаол қатнашади. Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг депутати сифатида ўз сайловчиларининг ишончини қозонган.

Р.Қ.Саримсоқов «Шавкатли меҳнати учун» медали, «Меҳнат Қизил Байроқ» ва «Халқлар дўстлиги» орденлари билан мукофотланган.

## Абдуманноб АБДУВОСИҚОВ

161-Ғазалкент сайлов округи



Абдуманноб АБДУВОСИҚОВ 1948 йилда туғилган. Ўзбек. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг аъзоси. 1979 йилда Тошкент политехника институтини битирган. Ихтисоси муҳандис-механик.

Меҳнат фаолиятини В.П.Чкалов номидаги авиация заводида белги қуювчиликдан бошлаган. Кейинчалик мазкур корхонада муҳандис-конструктор, режалаштириш булимининг бошлиги булиб ишлаган. 1980 йилдан бошлаб партиявий ишларда булди. Узбекистон Компартияси Марказий Қумитасида йўриқчи, шўъба мудири, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги бўлимининг мудири, Олмалиқ шаҳар партия қўмитасининг биринчи котиби, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қумитасининг котиби каби масъулиятли лавозимларда ишлаган. Узбекистон Республикаси Олий Кенгаши қурилиш, меъморчилик, уй-жой -коммунал хўжалиги қўмитасининг раиси, Тошкент вилоят ҳокимининг ўринбосари сифатида ҳам иқтидорли ходим эканлигини кўрсатди. 1993 йилдан бери Бўстонлиқ тумани ҳокими.

А.Абдувосиқов ўзининг бутун меҳнат фаолияти давомида интизомли, талабчан, ишбилармон ташкилотчи раҳбар эканлигини намоён этмоқда. Камтарлик, кишилар қалбига кира олиш, омма билан тил топа билиш сингари фазилатлар унга хосдир.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин Бустонлиқ туманида юз берган ижобий узгаришлар бевосита А.Абдувосиқов раҳбарлигида амалга оширилмоқда. Иқтисодий ислоҳотларнинг маромида олиб борилаётганлиги, қушма, кичик ва бошқа замонавий корхоналарнинг бунёд этилаётганлиги, маданий-маиший муассасалар қурилишига алоҳида эътибор берилаётганлиги меҳнаткашлар томонидан маъқулланмоқда. Қатор қишлоқларнинг газлаштирилганлиги, ичимлик сув тармоқларининг ётқизилганлиги, спорт иншоотларининг бунёд этилаётганлиги каби қатор ишлар туман ҳокимининг ишчанлигидан, одамлар тўғрисида ғамхўрлик кўрсатаётганлигидан далолат беради.

А.Абдувосиқов Ўзбекистон Республикаси халқ депутати сифатида ҳам изчил фаолият курсатиб келди.

## Тоҳир Муҳаммадалиевич МУҲАММАДАЮБОВ

162-Чорвоқ сайлов округи



Тоҳир Муҳаммадалиевич МУҲАММАДАЮБОВ 1944 йилда туғилган. Ўзбек. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг аъзоси. 1970 йилда Тошкент политехника институтини битирган. Ихтисоси муҳандис-электрик.

Меҳнат фаолиятини 1970 йилда Ўртачирчиқ гидроэлектростанциялар тизимида навбатчи электрчиликдан бошлаган. 1972 йилдан бери Ўртачирчиқ ГЭСлар тизимида директор бўлиб ишлаб келмоқда.

Т.Муҳаммадаюбов раҳбарлик фаолияти мобайнида малакали мутахассис, ажойиб ташкилотчи, жамоага меҳрибон ва ғамхўр эканлигини намоён этди. Унинг бевосита раҳбарлигида ва иштирокида туманда электр тармоқларининг моддий-техника базаси мустаҳкамланиб бормоқда. Унинг тармоқда ислоҳотларни амалга ошириш йўлидаги фаолияти шу соҳа юқори идоралари томонидан муносиб баҳоланиб келинмоқда.

Т.Муҳаммадаюбов малакали кадрларни тайёрлаш ва жой-жойига қўйиш жонкуяри сифатида ҳам танилган. Ҳозирги пайтда Ўртачирчиқ ГЭСлар тизимида ундан иш тажрибасини урганган мутахассислар анчагина. Тизим жамоаси ўз раҳбарини камтарлиги ва самимийлиги учун чин дилдан ҳурмат қилади.

Т.Муҳаммадаюбов бозор иқтисодиёти шароитида ишчиларни ижтимоий муҳофаза қилиш борасида мунтазам ғамхурлик қилиб келаётир. У раҳбарлик қилган йиллар ичида жуда кўп оилалар турар-жойга, ер участкаларига эга бўлишди.

## Туроп ХОЛТОЕВ

163-Паркент сайлов округи



Туроп ХОЛТОЕВ 1945 йилда туғилган. Ўзбек. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг аъзоси. 1972 йилда Тошкент Қишлоқ хўжалик институтини битирган. Ихтисоси -- агроном-иқтисодчи.

Меҳнат фаолиятини 1972 йилда Оҳангарон туманидаги «2-Оҳангарон» давлат хўжалигида иқтисодчиликдан бошлаган. 1978-1986 йилларда Коммунистик туман ижроия қўмитаси режалаштириш бўлимининг бошлиғи вазифасида ишлаган. 1986 йилдан бошлаб Свердлов номли жамоа хўжалигига раҳбарлик қилган. 1988-1994 йилларда Нариманов шаҳар партия қўмитасининг иккинчи котиби, «Правда» жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси, Юқоричирчиқ туман партия қўмитасининг биринчи котиби, Юқоричирчиқ туманининг ҳокими вазифаларида ишлаган. 1994 йилнинг февраль ойидан Паркент туманининг ҳокими.

Т.Холтоев билимдон ҳамда тажрибали раҳбар сифатида туман меҳнаткашлари орасида катта обрўга эга. У ўзига топширилган вазифаларни сидқидилдан бажаради, ўзининг иқтисодий ва сиёсий билимини доимий равишда ошириб боради.

Т.Холтоев ўз фаолиятини жамоат ишлари билан узвий боглаб олиб боради. Республикамиз Президентининг фармонлари ва ҳукуматимиз қарорларини ўз фаолияти учун ишончли дастур деб билади.

## Ҳайдарали Холдорович БОБОХОНОВ

164-Янгибозор сайлов округи



Ҳайдарали Холдорович БОБОХОНОВ 1957 йилда туғилган. Ўзбек. Узбекистон Халқ демократик партиясининг аъзоси. Тошкент Давлат тиббиёт институтини тамомлаган. Мутахассислиги -- жарроҳ.

Меҳнат фаолиятини 1981 йилда Тошкент вилоятининг Юқоричирчиқ тумани марказий поликлиникасининг жарроҳлик бўлими мудирлигидан бошлади. У ўз фаолияти давомида мутахассислигини пухта эгаллаган, касбига чин дилдан ихлос қўйган шифокор, беморлар кўнглига йўл топа оладиган инсон сифатида танилди.

Ҳ. Бобохонов эл орасида тажрибали жарроҳ сифатидагина эмас, балки туман шифохоналарида оналик ва болаликни муҳофаза этиш, юқумли касалликларнинг олдини олиш, даволаш муассасалари ходимларининг аҳоли орасидаги тарғибот ишларини кучайтириш билан боғлиқ холисона фаолияти туфайли ҳам таҳсинга сазовор бўлмоқда. Туман марказий шифохонаси реанимация булимига раҳбарлик қилиб, беш йил мобайнида неча-неча беморларнинг дардига малҳам бўлди, уларга қайта умр бағишлади.

Ўзига ва ўзгаларга талабчанлиги, тўғри сўзлиги, ҳозиржавоблиги, фидойилиги туфайли 1993 йили марказий шифохона раҳбари этиб тайинланди.

Қисқа вақт ичида Ҳ. Х. Бобохонов даволаш муассасалари моддий базасини мустаҳкамлаш борасида талай ишларни бажарди. Доридармон танқислиги шароитида шифохоналарда доривор усимликлар ёрдамида муолажалар олиб борилишига эришмоқда.

Туман аҳолисининг саломатлигини мустаҳкамлашга оид қатор тадбирлар ўтказилишига муваффақ булди. Унинг қишлоқ участка шифохоналари, фельдшерлик-акушерлик пунктлари, кундузги шифохоналарда аҳолига хизмат курсатишнинг савиясини ошириш борасидаги фаолияти айниқса яхши самаралар бермоқда.

Оилали. Тўрт нафар фарзанди бор.

## Асадулла Отауллаевич РАЖАБОВ

165-Янгийўл сайлов округи



Асадулла Отауллаевич РАЖАБОВ 1953 йилда туғилган. Ўзбек. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг аъзоси. Олий маълумотли. Тошкент автомобиль йўллари институтини тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини 1975 йилда Янгийўл шаҳридаги 2503-автокорхонада катта усталикдан бошлаган. Шу корхонада директорликкача бўлган гоят машаққатли ва масъулиятли йўлни босиб ўтди.

А. Ражабов раҳбарлик фаолияти давомида ўзини ташкилотчи ва ишбилармон сифатида кўрсатди. Эл-юрт манфаати йўлида фидойи, янгилик ташаббускори сифатида тезда жамоада обрў қозонди. Унинг раҳбарлигида корхонада қатор ижобий ишлар амалга оширилди. Айниқса, корхона жамоасини ижтимоий муҳофаза қилиш борасида эътиборга молик ишлар қилинди.

У табиатан очиқ кўнгил, хушмомала, ишда эса талабчан раҳбар. Тартиб-интизомни ниҳоятда қадрлайди. Бошқалардан ҳам шуни талаб қилади.

А. Ражабов шаҳар ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ҳам фаол қатнашади. Ўз зиммасига юклатилган вазифани виждонан бажаради. Тўғри сўз, камтарин инсон. Республика мустақиллигини мустаҳкамлашда, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда жонкуярлик билан иш олиб бормоқда.

## Маҳаммадали РАСУЛОВ

166-Зафар сайлов округи



Маҳаммадали РАСУЛОВ 1952 йилда туғилган. Ўзбек. Оилали. Олий маълумотли. Мутахассислиги -- муҳандис-механик. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг аъзоси.

М. Расулов ўзининг меҳнат фаолиятини институтни тамомлагандан сўнг 1975 йил Бекобод туманидаги «Далварзин» давлат хўжалигининг марказий техника таъмирлаш устахонасида мудирликдан бошлаган. Шундан сунг туман комсомол қўмитасининг иккинчи, биринчи котиби лавозимларида ишлади. Бу даврда туман ёшлари ўртасида маънавий-сиёсий ишларни йўлга қўйишда жонбозлик кўрсатди.

Сўнгра туман партия қўмитасининг қишлоқ хўжалик бўлими мудири, 1985 йил октябрь ойидан бошлаб туман ижроия қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари, туман агросаноат уюшмасининг раиси лавозимларида фаолият кўрсатди. 1989 йилнинг декабрь ойида тумандаги собиқ «Ленинград» давлат хўжалиги (ҳозирги «Бекобод» жамоа хўжалиги) директори этиб тайинланди. М. Расулов хўжалик юритишда алоҳида фаоллик кўрсатиб, қишлоқ аҳолиси турмушини яхшилаш, пахтачилик ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириш йўлида ҳам астойдил меҳнат қилди.

1990 йилда Тошкент вилояти ижроия қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари -- вилоят агросаноат уюшмаси раиси лавозимига тайинланди. 1991 йилда Бекобод тумани партия қўмитасининг биринчи котиби ҳамда халқ депутатлари Бекобод туман Кенгаши раиси вазифаларида ишлади. 1992 йил март ойида Бекобод тумани ҳокими этиб тайинланди.

# "СОВҒА"

## ЛОТЕРЕЯСИ ОРҚАЛИ СИЗ ЎЗИНГИЗ ОРЗУ ҚИЛГАН НАРСАНГИЗГА ЭРИШИШИНГИЗ МУМКИН

ҲАЛИ БУНАҚАСИ ҲЕЧ БЎЛМАГАН. *"СОВҒА"* ЛОТЕРЕЯСИ БИРОР БИР БУЮМНИ ЮТИБ ОЛИШИНГИЗ УЧУН ЕТАРЛИ ИМКОНИЯТ ЯРАТАДИ. ЛОТЕРЕЯ ЮТУҚЛАРИДА АВТОМОБИЛЛАР, ВИДЕОАППАРАТУРАЛАР, ТЕЛЕВИЗОРЛАР, ТУРЛИ ХИЛ МЕБЕЛЬ ЖАМЛАМАЛАРИ, ГИЛАМЛАР ВА БОШҚА КЎПЛАБ КЕНГ ИСТЕЪМОЛ БУЮМЛАРИ БОР.

**УНДА ЮТИБ ОЛИШ ИМКОНИЯТИ ҒОЯТ КАТТА. ЎЗИНГИЗ ЧАМАЛАБ КЎРИНГ, ЛОТЕРЕЯ БЎЙИЧА ЮТУҚЛАР СУММАСИ ЧИҚАРИЛГАН СУММАНИНГ 70 ФОИЗИНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ**

***"СОВҒА"*** **лотереяси билетлари "Ўзжамғармабанк"нинг барча муассасаларида, ҳамма алоқа бўлимларида, савдо корхоиаларида ва жамоатчи тарқатувчилар орқали сотилади.**




**БИЛЕТ БАҲОСИ — 10 СЎМ. *"СОВҒА"* ЛОТЕРЕЯСИНИ ХАРИД ҚИЛИШГА ШОШИЛИНГ! ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ 1994 ЙИЛНИНГ 28-29 ДЕКАБРЬ КУНЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛАДИ.**

***"СОВҒА"*** **ЛОТЕРЕЯСИ — ОИЛАНГИЗ УЧУН АЖОЙИБ СОВҒАДИР!**

***"СОВҒА"*** *лотереясини сотиб олсангиз қимматбаҳо ютуқ эгаси бўлишингиз мумкин. Сизни автомобиллар, видеоаппаратуралар, телевизорлар, мебель жамламалари ва шунингдек бошқа халқ истеъмоли буюмлари кутмоқда.*

## ЎЙНАНГ ВА ЮТИБ ОЛИНГ!

## ОМАД СИЗГА ЁР БЎЛСИН!

**Ўзингизни қизиқтирган батафсил маълумотларни эса Сиз "Ўзжамғармабанк"нинг барча муассасаларидан, алоқа бўлимларидан олишингиз, шунингдек**

**45-35-49, 45-66-43, 33-51-95**

**телефонлари бўйича ҳам олишингиз мумкин.**

МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

МАРКАЗИЙ БАНК

ЖАМҒАРМА БАНКИ

"ЎЗБЕКСАВДО" "ЎЗБЕКБИРЛАШУВ"



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOŞKENT HAQIQATI

*Муассис:* ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Муҳаррир: Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

*Манзилимиз:* 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

*Телефонлар:* *хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48* *Эълонлар: 33-99-15, 32-57-27.*

• Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Рўйҳатдан ўтиш тартиби: №.Буюртма Г-1279. 18900 нусҳада босилди, ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

"Шарқ" нашриёт матбаа-концерни. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 19.00. 1 2 3 4 5 6